

**Халмирзаев А.А.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси мудири, география фанлари номзоди, доцент;

**Эгамбердиева У.Т.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети География факультети “Ижтимоий география ва демография” кафедраси катта ўқитувчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИК БИЗНЕСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Сайёҳлик динамик, ўзгарувчан ва мослашувчан тавсифга эга соҳа бўлиб, узоқ тарихий босқичларни ўз бошидан кечирган. Сайёҳлик мамлакат хўжалигининг таркибий қисми бўлиб, жаҳон хўжалигида кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бирга ўзгарди, ривожланди, шаклланди ва такомиллашди.*

“Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдосотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Мар-

казий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган”<sup>1</sup>.

Рим империяси даврида туризмнинг дастлабки иқтисодий ресурслари – давлат тасарруфидаги ва хусусий тавсифга эга бўлган “меҳмонхона”лар ташкил этилган.

Буюк географик кашфиётлар даврида денгизчилар ва сайёҳларнинг асосий мақсади янги ҳудудларни кашф қилиш ва эгаллаб олиш бўлганлиги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2014 йил 3 октябрь.

ҳеч кимга сир эмас. Саноат инқилоби даврида янги ва замонавий транспорт турлари пайдо бўлди. Инсонлар ҳаёти байналмилаллашиб, миллат ва элатлар ўзаро яқинлашди. Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви эса туризм соҳасини жадал ривожлантирди, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Бугунги кунда сайёҳатга чиқиш ҳаётий эҳтиёж, талаб ва заруриятга айланди. Ҳар йили ер куррасида миллионлаб инсонлар турли мақсадларни кўзлаб саёҳат қиладилар, ўзга юрتلар, анъаналар, халқларнинг урф-одатлари, табиатнинг гўзал гўшалари, тарихи, маданияти, маърифати ва маданияти, инсонларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишадилар.

Инсонларнинг сайёҳлик фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжлари, соҳанинг моҳияти Ҳалқаро туристик ташкилот (UNWTO) ва Расмий туристик ташкилотлар Ҳалқаро иттифоқи (WCOTO) томонидан таклиф этилган концепцияда тўлиқ акс этган.

Концепцияда таъкидланишича, инсонларнинг туристик эҳтиёжларини рекреация, хордиқ чиқариш ва дам олиш; таниш-билишлар ва қариндошларникига ташриф буюриш; ишбилармонлик ва профессионал мақсадлар; даволаниш; дин ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш ва инсонларнинг жуда кўплаб жисмоний, иқтисодий ва маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари каби турларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон туристик рекреацион хизматларни ривожлантириш имкони-

ятларини берадиган ноёб шифобахш манбаларга ва меъморчилик обидаларига эга. Республикамизда сероводородли, таркибида йодли ва родонли кам минераллашган, ишқорли термоминерал манбали маъданли сувлар мавжуд. Табиий-тоғ салоҳияти ва маъданли сув манбаларининг кўплиги республикада рекреацион мажмуалар ва сиҳатгоҳларни ривожлантириш ҳамда кўпайтириш имкониятларини оширади. Табиатнинг ноёб обидалари ва гўзал гўшалари эса экотуризмнинг ривожланиши истиқболларини очиб беради.

Республика қадимий цивилизациялар ва “Буюк ипак йўли” чорраҳасида жойлашган. Ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, Шарқ уйғониш даври (ренесанси) архитектурасининг ноёб намуналари хорижлик сайёҳларни ўзига ром этмоқда.

“Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейин-

ги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунармандчилик ва савдо-сотик кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Жаҳон тарихидаги энг муҳим маданият ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ўта ноёб ҳодиса – Буюк ипак йўли айнан ана шу шаҳарлар ва маданиятлар марказлари орқали ўтган<sup>1</sup>.

Юқорида айтганимиздек, глобаллашув шароитида инсонларнинг туристик эҳтиёжлари тизимининг ранг-баранглиги ва туристик объектларнинг кўплиги уни мамлакат иқтисодиётига жуда катта даромад келтирадиган соҳалардан бирига айлантирди, сайёҳлик соҳасининг кўламини кенгайтди. Бизнеснинг бу тури билан шуғулланувчиларнинг даромадлари ортди, туристик салоҳияти юқори мамлакатлар жаҳонга танилди. Сайёҳлик ўрта даромадли инсонларнинг мобиллигини жуда фаоллаштириб юборди.

Тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда сайёҳликнинг жаҳон ЯИМдаги салмоғи 9 фоизни, бир йиллик айланма ҳажми

1,3 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Жаҳондаги банд аҳолининг 9,2 фоизи шу соҳада меҳнат қилади. UNWTO маълумотларига кўра, дунё бўйича сайёҳлар сони йилига 4–5 фоизга ортиб, 2013 йилда 1,1 миллиард нафардан ошиб кетди<sup>2</sup>.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши туризм соҳасида давлат сиёсатининг сифат жиҳатдан янги тамойилларини ишлаб чиқиш имкониятларини яратди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ-447-сонли фармони билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди. Унга туризм соҳасини ривожлантириш ва миллий моделини яратиш борасидаги сиёсатни олиб бориш вазифаси юклатилди. Миллий компания республиканинг туристик ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризмнинг барча турларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, соҳанинг моддий-техника базасини, туризм инфратузилмасини яратиш ва туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш фаолиятлари билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 360-сонли қарори билан «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг асосий вазифалари белгилаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябрь.

<sup>2</sup> Давлатов С., Дилмонов Қ. Сайёҳлик соҳасида альтернатив йўналишларни ривожлантириш истиқболлари. // "Ўзбекистон иқтисодий аҳборотномаси", 2014, №1. –41-б.

берилди<sup>1</sup>. Буларга: туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш; туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, сайёҳларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш; туристик хизматларни сертификатлаштириш; туризм соҳасида реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш; туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек, хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш; туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари мажмуасини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш ва ҳ.к.лар кирази.

Тадқиқотлар Ўзбекистонда тарихий, маданий, археологик, қадимий архитектура соҳасидаги ноёб объектларнинг сони етти мингдан ортиқлигини кўрсатмоқда. Буларнинг барчаси Республика Ҳукумати томонидан сайёҳлик хизматлари соҳасини кенгайтиришга ва ривожлантиришга эътиборнинг кучлилигини ва соҳа ривожи учун муносиб шарт-

шароитлар яратиб берилаётганлигини кўрсатмоқда. Олиб борилаётган таъсирчан чора-тадбирлар янги иш ўринларининг ташкил этилиши, аҳоли фаровонлигининг ўсиши, валюта ва солиқ тушумларининг кўпайиши учун катта имконият яратмоқда.

Мустақиллик йилларида туризм соҳасининг ривожланиши учун мустақам қонуний-ҳуқуқий асос яратилди. Соҳага оид 200 га яқин қонун, қонуности ва идоравий ҳужжатлар қабул қилинган. Халқаро ҳамкорлик борасида 45 та ҳукуматлараро, 44 та минтақавий ва 17 та вакиллик шартномалари имзоланган<sup>2</sup>.

Қонун ҳужжатлари орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 мартдаги "Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 60-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда туристик фаолиятни олиб бориш билан боғлиқ лицензия талаблари, шартларига ва туроператорларнинг Низом жамғармаси ҳажми билан боғлиқ талабларга ўзгартиришлар ва енгилликлар киритилганлиги эътиборга лойиқдир.

2004 йилда Самарқанд шаҳрида Халқаро туристик ташкилотнинг ваколатхонаси иш бошлади. Унинг асосий вазифаси бўлиб, "Буюк ипак йўли"да жойлашган мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 360-сонли қарори. // [http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=344658](http://www.lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=344658)

<sup>2</sup> Манба: <http://uzbektourism.uz/index.php/ru/press-relizi/323-press-reliz-2>

Сайёҳлик бизнесининг жадал ривожланишида минтақавий дастурларнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланади. Республикамизнинг Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилаётган сайёҳлик бизнесини ривожлантириш дастурлари бунга мисол бўлади. Минтақавий дастурларда туристик объектларга олиб боровчи йўлларни таъмирлаш, сайёҳлик марказларининг муҳандислик инфратузилмасини яхшилаш, меҳмонхоналар, ресторанлар, истироҳат боғлари, боулинг-клублар ва кўнгилочар объектлар қуриш масалаларига катта эътибор берилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу дастурлар доирасида режалаштирилган барча ишлар муддатидан олдин ва сифатли тарзда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 686 та меҳмонларни кутиб олиш воситалари мавжуд бўлиб, улардаги номерлар фонди 19211 тани, улардаги жами жойларнинг сони 62117 нафарни ташкил этади. Кейинги йилларда қатор меҳмонхона, туристик базалар ва кемпинглар, унча катта бўлмаган хусусий меҳмонхоналар ишга туширилди. Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланиш учун махсус рухсатномаларга эга бўлган, турли мулк шаклларига мансуб 550 дан ортиқ ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, уларнинг аксарияти хусусий фирмалар ҳисобланади<sup>1</sup>. Бугунги кунда туристик оқим ва туристик хизматлар ҳажмида

хусусий бизнеснинг салмоғи 90 фоизни ташкил этмоқда.

Туристлик объектлар, меҳмонхона, транспорт ва бошқа инфратузилма объектлари республика ҳудудлари бўйлаб нотекис тақсимланган. 76,2 фоиз сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентга ташриф буюрадилар, қолган 24,6 фоиз сайёҳлар Фарғона водийси ва республика жанубида жойлашган учта вилоятдаги диққатга сазовор жойларга саёҳат қиладилар. Статистик интернет сўров маълумотларига кўра, Ўзбекистонга ташриф буюрувчиларнинг 39 фоизини тарихий ва меъморчилик обидалари, 24 фоизини эса миллатимиз маданияти, анъаналари ва турмуш тарзи қизиқтириши маълум бўлди<sup>2</sup>.

Хорижий сайёҳларнинг катта қисми (90%) МДҲ мамлакатларидан ташриф буюрадилар. Улар, асосан, Қозоғистон (47,9), Россия (28,3%), Тожикистон (8,6%), Қирғизистон (7,8%) ва Туркманистон (6,2%) каби мамлакатлардан келган сайёҳлар ҳисобланади. Сайёҳлар Ўзбекистонга хусусий, ишбилармонлик (87,2%), ҳордиқ чиқариш, дам олиш ва рекреация мақсадларида (10,6%) келадилар.

Ҳозирда бизнинг мамлакатимизга сайёҳларни жалб этиш ишларида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Голландия, Венгрия, Сингапур ва бошқа шу каби мамлакатларнинг 214 дан ортиқ хорижий туристик компаниялари фаолият кўрсатмоқдалар<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Туристический потенциал Узбекистана растет. // "Деловой партнер", 2–8 октября 2014 г., №40 (1068). –С. 19.

<sup>2</sup> [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz)

<sup>3</sup> <http://uzbektourism.uz/index.php/ru/press-relizi/323-press-reliz-2>

Туризм соҳасининг моддий-техника базаси такомиллашиб бормоқда, аммо унинг тақсимланишида ўзига хос жиҳатлар кўринади. Мамлакат туризм соҳаси моддий-техника базасининг 40%и пойтахт ва пойтахт вилоятининг ҳиссасига тўғри келади; 37%и Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятида, 16%и Фарғона водийсида ва Сурхондарё вилоятида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудининг 50%идан ортиғини ташкил этувчи қолган вилоятларнинг ҳиссасига туризм иқтисодий салоҳиятининг атиги 7%и тўғри келади<sup>1</sup>.

Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2012 йилда Ўзбекистонга 50 дан ортиқ мамлакатдан 1895 минг нафар хорижлик турист ташриф буюрган бўлса, 2013 йилда уларнинг сони 2029 минг нафардан ортиб кетди. Сайёҳларнинг аксарият қисми МДХ (Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва бошқа давлатлар), Ғарбий Европа (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Испания ва бошқа давлатлар), Жануби-шарқий Осиё (Япония, Корея Республикаси, Хиндистон, Покистон, Хитой ва бошқа давлатлар) ва Тинч океани минтақаси (Малайзия, Индонезия ва Сингапур) мамлакатларидан ташриф буюрадилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> [www.bibliofond.ru/view.aspx?id=14748](http://www.bibliofond.ru/view.aspx?id=14748)

<sup>2</sup> <http://www.uzbektourism.uz/index.php/ru/novosti-turizma-uzbekistan/952-27-sentyabryaves-mir-otmechaet-vsemirnyj-den-turizma>

2013 йилда туристик хизматлар (туроператорлар ва меҳмонхона хўжаликлари хизматлари)дан тушган фойда 306,7 млрд сўмни ташкил этиб, йилига ўртача 17%га ортиб бормоқда. 2013 йил якунларига кўра, туристик экспорт ҳажми 615 млн АҚШ долларини ташкил этди. Ички туризм ҳам фаол ривожланмоқда. 2013 йилда туроператорлар томонидан 220 мингга яқин фуқароларга хизмат кўрсатилди. Шу йилда меҳмонхона хўжаликлари томонидан 750 мингга яқин ўзбекистонликларга хизматлар кўрсатилди. 2005 йилда эса ушбу кўрсаткич 322 минг кишини ташкил этган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни жалб этишнинг муҳим тамойилларидан бири сайёҳнинг дам олиши, яшаши, ҳордиқ чиқариши ва кўнгил очиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб бериш ҳисобланади. Бизнинг мақсадимиз мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган сайёҳ ўзини уйидагидек ҳис қилиши, хотиржам, танловининг тўғрилигига ишончи комил бўлиши ва саёҳатидан руҳий ва жисмоний қониқиш олиши ҳамда ижобий таъсирланишига эришиш ҳисобланади.

Республика бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, сайёҳлик инфратузилмаси жаҳон андазаларига мос тарзда ривожлантирилмоқда. Тарихий ва архитектура ёдгорликлари реставрация ва консервация қилинмоқда. Меҳмонхона

<sup>3</sup> Ўша жойда.

ва йўллар қурилмоқда, сайёҳлар учун сервис ва транспорт хизматлари кўрсатилмоқда. Транспорт маршрутларининг ғайриоддий ва бетакрор йўналишларини яратишга эътибор кучайтирилмоқда. Транспортларда ташувларнинг нархларини шакллантиришнинг мослашувчан усулларига эътибор кучайтирилмоқда.

Меҳмонларга тижорат банкларининг кўп тармоқли тизими турли молиявий хизматларни кўрсатмоқда. Республикамизнинг уяли алоқа хизматлари билан қамраб олинганлиги сайёҳлар учун кўп қулайликлар яратмоқда. Бу тадбирларнинг барчаси нафақат халқаро туризмнинг, балки ички туризмнинг ривожланиши учун ҳам қулай шароит, имконият ва вазиятлар яратмоқда.

Ўзбекистоннинг туристик имкониятларини дунёга намоён қилиш мақсадида турли даражадаги ярмарка ва кўргазмаларда фаол иштирок этиб келинмоқда. Лондондаги туристик ярмаркада жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатидан таниқли фирмалар ва компаниялар иштирок этадилар. Ярмарканинг эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон стендлари ва кўргазмалари хорижий ташкилотларнинг вакилларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган. Бу Ўзбекистонда соҳанинг жадал ривожланиши имкониятини берувчи таъсирчан чора-тадбирларнинг натижаси ҳисобланади.

Сайёҳлик соҳасида хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш, хизматларда уларнинг улушини ошириш, фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш ва такомиллаштириш, соҳада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаолияти учун қўшимча шарт-шароитларни яратиб бериш, меҳмонларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш соҳанинг рақобатбардошлигини янада орттиради. Сайёҳларни жойлаштирувчи оилавий корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун мўлжалланган операторларнинг устав фонди миқдори камайтирилганлиги ҳам соҳадаги ижобий ўзгаришлардан бири ҳисобланади.

Сайёҳлик соҳасини жадал ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мутахассислар тайёрлайдиган 5 та олий ўқув юрти, жумладан, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг Тошкент филиали ва шунингдек, 11 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбектуризм” МК қошидаги Республика ўқув-консалтинг марказида гид-экскурсоводлар, туристик ва ресторан-меҳмонхона бизнес менежерлари, чет эл ошхонаси ошпазларини тайёрлаш, турсоператорлик ва меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш бўйича доимий равишда фаолият

кўрсатувчи курслар ташкил этилган. 2014 йилнинг ўзида марказ томонидан 796 нафар туризм соҳаси мутахассислари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ўтадилар, шулардан 342 нафари қайта тайёрлов, 344 нафари малака ошириш курслари, 110 нафари эса ҳалқаро семинар ва мастер-классларда иштирок этдилар<sup>1</sup>.

Бугунги кунда соҳада фаолият кўрсатувчи персоналнинг тайёргарлик даражаси, кўрсатилаётган хизматлар сифати жуда юқори, аммо айрим Ғарб мамлакатларида қабул қилинган юқори стандартлар даражасига етиш учун биров вақт кераклиги барчага аёндыр.

Фикримизча, давлат даражасида хорижий сайёҳлар учун сифатли хизматларни таклиф этиш жараёнига илғор технологиялар, билимларни жалб этиш аҳоли бандлигини ошириш ишларига ҳам ёрдам беради.

Олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистоннинг туризм ва экотуризм борасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Бунга ноёб табиий объектлар, бой маданий-тарихий мерос, ўзбек миллий маданиятининг қадимий анъаналари, туризм инфратузилмаси, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш тизимининг ривожланганлиги катта имкониятлар яратади.

Туризм ва сервис соҳасидаги эркинлаштириш тадбирлари миллий туристик хизматлар бозорининг

барқарорлигини оширади, соҳа имкониятларини кучайтиради. Миллий туристик индустрия арзон ва сифатли хизматларга эга бўлади ва рақобатбардошлиги даражаси ортади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- халқаро иқтисодий алоқалар тизимида миллий туризмнинг ривожланиш имкониятларини таҳлил қилиш ва рақобат устунлигини таъминловчи турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатнинг туристик соҳасининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган муаммоларни аниқлаш ва унинг илмий асосланган йўналишларини топиш;

- туризм соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун янада кенг имкониятларни очиб бериш;

- халқаро андазалар асосида туристик хизматлар сифатини таъминлашнинг оқилона бошқаруви тизимига эътиборни кучайтириш;

- туризм соҳасига инновацион технологияларни жалб этиш;

- туристик соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

- олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнига туристик ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш имкониятларини берувчи ахборот-коммуникацион ва амалий дастурларни жорий этиш ва ҳ.к.лар.

<sup>1</sup> <http://uzbektourism.uz/index.php/ru/novosti-turizma-uzbekistan/975-realizovan-kompleks-merop-podgotovke-kvalifitsirovannykh-kadrov-dlyasfery-turizma-v-uzbekistane>



### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги "Туризм тўғрисида"ги 830-И-сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 июлдаги «Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 360-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 13 мартдаги "Туризм фаолиятини амалга ошириш ва лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 60-сонли қарори.

5. Давлатов С., Дилмонов Қ. Сайёҳлик соҳасида алтернатив йўналишларни ривожлантириш истиқболлари. // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2014, №1. –40–43-б.

6. Тўхлиев И., Сафаров Б. Сайёҳлик хизматлари бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари. // "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", 2014, №1. –44–48-б.

7. Туристический потенциал Узбекистана растет. // "Деловой партнер", 2-8 октября 2014 года, №40 (1068). –С. 19.

8. Козырев В.М. и др. Экономика туризма. – М.: Российская международная академия туризма, 2001. –С. 312.

9. <http://uzbektourism.uz/index.php/ru/press-relizi/323-press-reliz-2>

10. <http://www.uzbektourism.uz/index.php/ru/novosti-turizma-uzbekistan/952-27-sentyabrya-ves-mir-otmechaet-vsemirnyj-den-turizma>

11. <http://uzbektourism.uz/index.php/ru/novosti-turizma-uzbekistan/975-realizovan-kompleks-mer-po-podgotovke-kvalifitsirovannykh-kadrov-dlya-sfery-turizma-v-uzbekistane>

12. [www//bibliofond.ru/view.aspx?id=14748](http://bibliofond.ru/view.aspx?id=14748)